

## УЛУҒ МУҲАДДИС ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

А.Б.Қодирова

ТерДУ Психология кафедраси доценти, психология фанлари бўйича(PhD) фалсафа  
доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7296414>

**Аннотация.** Таълим-тарбия ишларининг ривожланиши, тарихий меросимизнинг илмий-назарий асосларидан фойдаланиш йўллари, таълим-тарбия соҳасига оид ўзаро муносабатлар, устоз-шогирд муносабатлари, илм излаб, саёҳат қилиб ўтказган ат-Термизий, муҳаддислик илмининг вакиллари орасида яхши одоби, ахлоқи, хулқи билан ажралиб турган, олимлар билан илмий мунозараларда қатнашади, устозлик қилади.

**Калит сўзлар:** ат-Термизий, “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ”, “ҳасан”, “Аш-Шамойл-ан-Набавия”.

## ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВЕЛИКОГО МУХАДДИСА ИМАМА АТ-ТЕРМИЗИ

**Аннотация.** Развитием воспитательной работы, способами использования научно-теоретических основ нашего исторического наследия, взаимоотношениями в области образования, отношениями учитель-ученик, ат-Термизи, путешествуя в поисках знаний, отличился среди представителей Наука мухаддисов своими хорошими манерами, нравами и поведением выступает, участвует в научных дискуссиях с учеными, наставниками.

**Ключевые слова:** ат-Термизи, «Аль-Джами' ас-Саҳиҳ», «ҳасан», «Аш-Шамойл-ан-Набавия».

## PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF THE GREAT MUHADDIS IMAM AT- TERMIZI'S ACTIVITY

**Abstract.** The development of educational work, ways of using the scientific and theoretical foundations of our historical heritage, relationships in the field of education, teacher-student relationships, at-Termizi, traveling in search of knowledge, distinguished himself among representatives of the Science of Muhaddiths with his good manners, morals and behavior, performs, participates in scientific discussions with scientists, mentors.

**Key words:** al-Tirmidhi, "Al-Jami' al-Sahih", "hasan", "Ash-Shamail-an-Nabawiya".

## КИРИШ

Мовароуннаҳрда VIII-IX асрларда ислом динининг кенг тарқалиши барча соҳалар, фан, маданият, фалсафа, ижтимоий ҳаёт ривожига ўз таъсирини кўрсатди. Ўша давр тарихини таҳлил қилар эканмиз, машҳур мутафаккирлар, қомусий олимлар етишиб чиққани кўраммиз. Демак, ўша давр тарихи, маданияти, илму фани, таълим-тарбия жараёни ўзига хос тарзда бўлиб, турли хил тарих силсилалари, урушлар, низолар оқибатида ҳам ижобий ривож топганлигини таъкидлашимиз мумкин. Бу ўринда таълим-тарбия ишларининг ривожланиши ғояларини чуқур таҳлил этишимиз, уни атрофлича мантиқий баҳолаш, имкон даражасида тарихий меросимизнинг илмий-назарий асосларидан фойдаланиш йўллари излаш зарурияти келиб чиқади.

Ўша даврда ислом маданияти шаклланишининг ички ва ташқи манбалари, тамойиллари, аҳкомлари, муносабатлари аста-секинлик билан ривожлана борганлигини,

шунингдек таълим-тарбия соҳасига оид ўзаро муносабатлар, устоз-шогирд муносабатлари пайдо бўла бошлаганлигини қайд этишимиз мумкин.

Ҳаётининг асосий қисмини ўзга юртларда қийналиб илм излаб, саёҳат қилиб ўтказган ат-Термизий доимо ўз устида ишлаб, билимини оширишга ҳаракат қилди, машҳур уламою-фозиллар, ҳадис илмининг вакиллари, ровийлар билан учрашди

У киши ноёб фазилат эгаси, хотираси жуда кучли бўлган, бир марта эшитган ривоятлари ва ҳадисларини узоқ вақтгача эслаб қолиб, уларни кейинчалик қоғозга туширган.

## **МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Имом ат-Термизий ҳамсуҳбат киши бўлиб, муҳаддислик илмининг вакиллари орасида яхши одоби, ахлоқи, хулқи билан ажралиб турган. Ўзида бўлган ижобий хислати – донишмандлиги сабаб, ҳадисларини китоб ҳолатига келтиришда ёшлар тарбиясига таъсир этувчи омиллارга эътибор билан қараган.

Абу Исо Термизий ҳадис йиғиш мақсадида кўп шаҳарларга саёҳат қиладилар: Марв, Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Макка, Мадина ва бошқа шаҳарлар шулар жумласидандир. Бу сафарлари жуда узоқ чўзилиб, ҳадис тўплаш билан бир қаторда китоблар таълиф қилишга киришганлар.

Ўз юртига қайтгач, олимлар билан илмий мунозараларда қатнашади, устозлик қилади. Термизийни машҳур қилган “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” асари ҳам ватанида яратилади.

“Ҳадис имомларидан бири Абдурахмон Ибн Муҳаммад ал-Идрисий “ат-Термизий ҳадис илмида иқтидо қилинадиган имомлардан бирidir”. – деб ёзса, Тақиуддин Ибн Таймия “Абу Исо ат-Термизий биринчи бўлиб ҳадисни саҳийх, ҳасан, заифга тақсим қилган олимдир”,- деб гувоҳлик беради. Ҳофиз Ибн Ражаб ўзининг “Шарҳу Илали ал-Жомий” китобида “Билгилки, имом ат-Термизий ўз китобларида ҳадисни саҳийх, ҳасан ва ғарибга бўлганлар”- деб алломанинг ҳадис илмидаги хизматларини алоҳида таъкидлайди. Ат-Термизий асарининг барчага фойдаси ҳақида ал-Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Муқаддасий /у 507 хижрий йилда вафот этган/, мен учун “Ат-Термизийнинг “ал-Жомий” таснифи Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим асарларидан кўра ҳам фойдалироқдир. Чунки ал-Бухорий ва Муслимнинг китобидан фақат ўқимишли олимларгина фойдаланади. Абу Исо ат-Термизийнинг асаридан эса ҳар бир кимса бемалол фойдаланади”, - деб ёзган эди”. [3.- 23]

“Имом Ат-Термизий ўзининг шоҳ асарини ёзиб тугатгач, замонасининг машҳур уламоларига кўрсатади ва уларнинг розилигини олади. Бу ҳақда Ат-Термизийнинг ўзи шундай дейди : “Бу китобни тасниф этгандан кейин уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига кўрсатдим ва уларга маъқул бўлди”.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ**

Тадқиқотимиз жараёнида қадимий манбалар билан танишар эканмиз, Имом Термизий ўз замонасининг энг улуғ олимлари, муфассирлари ва муҳаддислари билан учрашиб суҳбат қургани ва улардан манфаатлангани билан фахрланиши тўғрисидаги фикрларга дуч келдик. Чунончи, Имом Термизий, Имом Муслим билан учрашиб, бир ҳадиснинг ровийси ва матнини аниқлаганини айтади. Имом Бухорий билан учрашганда эса фақат ҳадиснинг матни эмас, унинг ҳикмати ва фалсафасини тушуниб етганини ҳикоя қилади.

Имом Термизий бу вақтда бир қанча мамлакатларда кезиб чиқиб, чуқур илмга эга бўлган ва ҳадисларнинг хилма-хилларини таҳлил қилиш даражасига етган эди.

Аллома ҳадисларга саҳийҳ деб аниқлик киритишда янги усул қўллашга эришди. У ҳадиснинг моҳиятига “ҳасан” деб янги мазмун киритди. Шунингдек, баъзи ҳадисларни ривоят қилишда ҳадиснинг ижтимоий ҳаётга, инсонларнинг ҳаракатига қандай таъсир этиши масалаларини ўрганиб, уларни кенгроқ, кишилар тушунадиган соддароқ тилда ёритишга ҳаракат қилди.

Термизийнинг илмига, ижодига баҳо бериш куйидаги фикрларда ўз аксини топди: “Сен мenden баҳра топганингдан кўра, мен сендан кўпроқ баҳра топдим”, - дейди, устоз Имом Бухорий. Ёки: “Имом Бухорий вафот этиб, бутун Хуросонда илмда, тақвода ва зуҳдда имом Абу Исо Термизийга тенг келадиган улуғ зотни ўзидан кейин қолдирмади”, - дейди, Ҳофиз Умар ибн Алак.

“Зуҳдда улуғ зот” – бу ибора, шубҳасиз имом Термизийга берилган ҳаққоний баҳо эди. Зуҳд бу тариқат фалсафасининг қисми бўлмаса керак, замонавий таъриф берадиган бўлсак - инсоннинг эзгулик йўлида қилган меҳнатининг маҳсули сифатида турли кўринишлари жамламасининг шаклидир.

## МУҲОКАМА

Масалан, зуҳд бобида Термизийнинг куйидаги ҳадисларини келтираамиз:

Ибн Аббоснинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ /с.а.в./ шундоқ деганлар: “Икки хил неъмат борки, кишилар унинг қадрига етмайдилар, бу тансоғлиқ ва бўш вақтдур”.

Пайғамбари исломдан куйидаги ҳадис эса инсон ҳаётининг энг нозик синови - никоҳ, оила қуриш, уни сақлаш масаласига қаратилгандир:

“Аллоҳнинг ҳалол қилган нарсалари ичида унга энг ёмон кўрингани – талоқдир.”

Талоқ масалалари борасида машҳур ояти карималар ва ҳадислар мавжуд. Лекин, юқоридаги ҳадисдан мақсад оилани муҳофаза қилишдир, яъни талоқ сўзини бўлар-бўлмасга ишлатиш, фойдаланиш масалаларидан йироқ бўлишдир. Бу ҳадис билан оилани мустаҳкамлаш ишларига эътибор кўрсатилмоқда.

Ёки мана бу ҳадис: “Аллоҳга энг ёмон кўринадиган киши – гина ва адоватни узок сақловчи одамдир”. Ушбу ҳадисда ҳам оилада эр-хотин, фарзандлар, ака-укалар, сингиллар ва ҳоказо қариндошларнинг ҳар бири учун панд бўладиган, ёшларга эса ибрат саналадиган фикрлар қайта таъкидланмоқда. Ҳозирги кунда эса гина ва адоват жамият ҳаётида оилаларда учраши кўпроқ кузатилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида тарихий “анъана” бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

“Имом Ал-Бухорий Ат-Термизийнинг ҳадисларини синчиклаб ўрганишдаги нодир қобиляти, илм ва тақводаги устунлигини тан олган ва унга шоҳидлик берган”. [1.- 47]

Имом ат-Термизий ҳар бир ҳадисни чуқур таҳлилдан ўтказиб, унинг асл мазмунига етишга, англашга, қолаверса инсон тарбияси йўлида фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қилган. Ҳадисларида қалб, ақл, рух, нафс, касб, илм, ризқ каби ибораларни ўз ўрнида ишлатиш усуллари шундан далолат беради.

Яна бир эътиборли томони шундаки, аллома яшаган асрнинг охирларида тасаввуф илми шакллана бошлади. Унинг сабаблари ўша даврда яратилган асарлар, уларнинг муаллифлари ҳам бўлиши мумкин.

“Хуросондаги тасаввуфнинг ўзига хос томони шундаки, бу даврда тасаввуфга ҳеч бир сиёсий кучлар томонидан расмий тан олинган таълимот сифатида қаралмас эди. Ҳаттоки, баъзи тадқиқотчилар ислом шариати ва тасаввуф ўртасида кескин зиддиятлар бор бўлганини кўрсатишга уринадилар”.[2.- 12]

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам эзгулик ва олижаноблик кучини ўз шахсий ҳаёти орқали кўрсатиб беришга интиланлиги, барча мўминларни ер юзида яхшилик қилишга чақирганлиги ҳаммамиз, айниқса ёшларимизни тарбиялаш жараёни учун ибратлидир. Шубҳасиз, унинг қудратли эътиқодига, пок иймонига, хайрли ишларига турли халқларнинг қизиқиши бежиз эмас.

Маълумки, Расулulloҳ барча инсонларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий тўқис бўлишини орзу қилган, Аллоҳ номидан мана шу йўлда кишиларни диёнатга, рост бўлишга чақириш йўлида куч-ғайратини сарфлаган эди. Аллоҳ элчисининг ибратли ишлари, маърифат, эътиқод, адолат, холислик, поклик ва бошқа инсоний фазилатларига тегишли ибратли сўзлари, панд-насихатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассам бўлди.

Ушбу ҳадисларнинг том маъносида, замирида катта мазмун борлиги педагогик ва психологик фанлар ривожига хизмат қилиши табиийдир.

Тадқиқотимиздан кўзланган бош вазифалардан бири эса, ана шу ҳадислардан келиб чиқадиган ҳолатларни таҳлил этиб, муҳаддислик илмининг тарбиявий имкониятларини, педагогик-психологик жиҳатларини ёш авлод онгига етказиш, тарихий меросдан унумли фойдаланиш шакллари ва услубларини ишлаб чиқишдир.

Масалан, Имом ат-Термизий томонидан ёзилган “Аш-Шамоил-ан-набавия” асарининг иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса пайғамбар алайҳиссаломнинг ички дунёси ва ахлоқий фазилатларини баён қилади. Бу ҳадислар билан танишар эканмиз, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ахлоқий жиҳатларидан намунавий, мукамал бир зот эканлигини, муомалада унинг катталару-кичиклар, аёллару-эркаклар, бойлару-камбағаллар билан ўзини бир хилда тутиши, рўзғор ва оила юмушларида ўз хотинларига астойдил кўмаклашиб ёрдам бериши, башарти бирор гуноҳ қилиб қўйган киши узр сўраса, унинг гуноҳини кечириши, барча одамлар билан ўта латофат билан муомалада бўлгани, йўлида учраган барча кишиларга биринчи бўлиб салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашганлигини билиб оламиз.

Асарда пайғамбаримиз алайҳиссаломга мансуб юксак инсоний фазилатлар, хусусан, у зотнинг гўзал хулқи муборақлари, ҳар қандай таҳсинга сазовор сифату-сийратлари ҳақида тўла ва мукамал маълумот келтирилган. Булар ҳаммаси замондошимиз, айниқса, ёш авлодни маънавий ва ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамиятга моликдир.[3.- 26]

## ХУЛОСА

Абу Исо ат-Термизий ёзиб қолдирган “ал-Жомеъ ас-саҳийҳ”, “аш-Шамоил ан-набавия” каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, муруватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурматда ва эътиборли бўлишга чорлайди.

Бу ибратли панд-насихатлар ва ўғитлар ҳозирги жамиятимиз аҳлини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ат-

Термизийнинг асарлари фақат диний илмлар мажмуасига оид бўлиб қолмасдан, балки, дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Масалан, унинг бош асари бўлган “ал-Жомеъ ас-саҳийх”да тарих, мантиқ, ҳуқуқшунослик, табобат, зироат, педагогика, психология ва бошқа қатор фанларга оид кўплаб маълумотларни ҳам учратамиз.

## REFERENCES

1. Баубекова Г.Д. Образовательно - нравственные взгляды просветителей Средней Азии конца XIX - начала XX веков: Автореф. дисс... докт. пед. наук. Ташкент, 2002. – 34 с.
2. Курбанов Ш.Э. Социально-педагогические особенности национальной модели и программы по подготовке кадров: Автореф. дисс... докт. пед. наук. Ташкент, 2000. – 51 с.
3. Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историко-антропологический аспект: на примере Туркестана 1865 - 1917 гг.: Дисс... канд. истор. наук. Москва, 2007. – 241с.
4. Қодиров Қ.Б. Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари: Пед. фан. номз. дисс... Тошкент, 2008. – 141 б.
5. Нишонова С. Шарқ Уйғониш даври педагогик фикр таракқиётида баркамол инсон тарбияси: Пед. фан. докт. дисс... Тошкент, 1998. – 202 б.